



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 151 (12.212)

Баҳоси эркин нарҳда



ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ: РИВОЖЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Истиқлолимизнинг йигирма бир йиллик қутлуг санаси Мирзо Улуғбек туманида ҳам ўзига хос ютуқлар билан кутиб олинмоқда.

Туман аҳолиси айни кунларда Энг улуг, энг азиз Мустақиллик байрамнинг 21 йиллигини муносиб кутиб олиш ниятида бор куч-гайратини маҳаллаю кўчаларни обод қилиб, корхона-ташкilotларда модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, маҳаллийлаштириш, инвестиция лойиҳаларини изчил амалга оширишга қаратган.

1932 йилда ташкил топган туманга 1992 йил Мирзо Улуғбек номи берилган. Айтиш жоизки, Мирзо Улуғбек тумани ҳудуди 3188 гектар майдонни ташкил этиб, ушбу масканда 249,8 минг турли миллат вакиллари аҳил ва тотувликда истиқомат қилади.

Бугунги кунда туманда 53 та маҳалла, 27 та илмий текшириш институтлари, 6 та олий ўқув юрти, 33 та умумтаълим мактаби, 11 та коллеж, 3 та лицей, 3 та спорт мактаби, 24 та спорт комплекслари, 9 та стадион, 14 та кутубхона, 25 та соғлиқни сақлаш муассасалари, Тошкент олий ҳарбий умумқўшин кўмондонлик билим юрти, ИИВ ва Куролли Кучлар академияси, кўплаб сановат корхоналари фаолият юритмоқда.

Туманда спорт-соғломлаштириш ишлари аъло даражада йўлга қўйилган. Чунончи, туманда 15 та спорт мажмуаси («Динамо», «Умид», «Камолот-Ёшлик», «Ёшлар» спорт маркази, «Турон» спорт мажмуалари ва ҳ.к) мавжуд. «Трактор», «Ўзбекистон Миллий банки», «Солиқчи» стадионлари, 10 та сузиш ҳавзаси,

«Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти, Республика от спорти олий маҳорат мактаби, Республика альпинистлар спорт клуби, 3 та футбол клуби бор. Кувонарлиси, тумандаги спорт мажмуаларида теннис бўйича Осиё чемпионатлари, Тошкент очик чемпионати турнири, Универсиада тадбирлари, энгил атлетика мусобақалари мунтазам равишда ўтказилади.

Ўтган давр мобайнида туманда ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда ислохотлар давом эттирилиб, қатор ижобий кўрсаткичларга эришилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, туманда жорий йил биринчи чорагада ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ислохотларни янада чуқурлаштириш, халқ ҳўжалигининг барча тармоқларини мутаносиб ривожлантиришни таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилиб, қабул қилинган дастурларда белгиланган топшириқ ва вазифаларнинг бажарилишига эришилди. Жумладан, 2012 йилнинг биринчи чорак якунида сановат ишлаб чиқариш ҳажми 313,3 млрд. сўм ва истеъмол молларини ишлаб чиқариш ҳажми 104,2 млрд. сўмни ташкил этди. Хусусан, сановат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда нодавлат секторининг улуши 123,8 фоизни ташкил этиб, ўсишнинг асосий омиллари сановат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларига эга «Ўзқабель»

(Мирзо Улуғбек туманига бағишланган материаллар билан газетамизнинг 2-саҳифасида танишасиз)

(106,2 млрд. сўм), «БФ-Текстиль» МЖЧ (35,4 млрд. сўм), «Махсусэнергогаз» АЖ (11,9 млн. сўм) каби корхоналарнинг самарали фаолиятига боғлиқ бўлди.

Кейинги йилларда ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, истеъмол бозорини сифатли рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришда маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Туман ҳудудий дастурига 16 та корхона бўйича 75 та лойиҳа киритилган бўлиб, 2012 йилнинг биринчи ярми якунига кўра ҳудудий маҳаллийлаштириш дастури доирасида жами 38,8 млрд. сўмлик маҳсулотлар сотилган бўлиб, бу режага нисбатан 102,17 фоизни ташкил этди. Шунингдек, 637,4 минг АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулот экспорт қилинган.

Макроиқтисодий қулай муҳитнинг яратилиши инвестицион жараёнларнинг фаоллашувиغا сабаб бўлди. 2012 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида амалга оширилган чоратадбирлар натижасида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капитал инвестициялар киритиш 26,9 млн. доллари ташкил этган, ўсиш суръати 117,1 фоизга тенг бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, Мирзо Улуғбек тумани ҳам Мустақиллигимизнинг 21 йиллигини ҳар бир соҳада самарали ютуқлар билан кутиб олишга шайланган. Айтиш жоизки, амалга оширилаётган ислохотларнинг пировадди мақсади фуқароларни қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг фаровонлигини янада оширишга қаратилгандир.

Куй, қўшиқ инсон қалбининг нозик торларини чертиб, унга маънавий қувват бағишлайди. Агар у Ватан мадҳига, юрт шаънига бағишланган бўлса, янада юксак аҳамият касб этади.

ЭНГ ЯХШИ ҚЎШИҚ — ВАТАН ҲАҚИДАГИ ҚЎШИҚ

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 7 апрелда қабул қилинган республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисидаги Қарори асосида ўтказилаётган танлов ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилади.

Марказий офицерлар саройида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимидаги якуний босқичи ҳамда Умумармия кўшиқлар фестивали бўлиб ўтди.

Истиқлолни, мустақиллик йилларида эришган улкан ютуқларимизни, тинч ва фаровон ҳаётимизни тараннум этувчи энг сара кўшиқларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантириш, уларнинг муаллиф ва ижрочиларини рағбатлантириш мақсадида ўтказиб келинаётган мазкур аънавий танловда ҳарбий кимс ва муассасаларнинг профессионал ҳамда ҳаваскор жамоалари иштирок этди.

Ҳарбий ватанпарварлик, саф кўшиқлари ва эстрада йўналишларида Куролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли хонандаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, заҳирадаги подполковник Марат Ҳақимов, шартнома бўйича хизмат оддий аскар Обид Йўлдошев ҳамда Куролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли жамоаси биринчи ўринга сазовор бўлди.

Ватан ҳақида куйлаш улкан шараф ва масъулиятдир, дейди шартнома бўйича хизмат оддий аскар Обид Йўлдошев.

Энг улуг, энг азиз айём — Истиқлолимизнинг 21 йиллик тантанаси арафасида шундай шукхули танловда иштирок этиш — бахт.

Ғолиблар «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг мамлакат босқичида иштирок этди.

СУРАТЛАРДА ЮРТ МАДҲИ

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда Ватанимиз Мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб «Суратларда Ватаним мадҳи!» мавзuida кўргазма очилди.

«Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида ташкил этилган ушбу кўргазмада Зулфия номидаги Давлат мукофоти сазовор бўлган расом ва дизайнер, хунарманд қизларнинг ижод намуналари намойиш этилмоқда.

Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддинов, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари А.Сапекеева, Б.Азизова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдоди ва қобилиятини тўри йўналтириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти илм-фан, маданият ва санъатнинг турли йўналишлари каби таъсирли санъат соҳасида изланаётган, ўз хулқи, фидойилиги билан тенгдошларига ибрат бўлаётган иқтидорли қизлар сафининг кенгайишига хизмат қилмоқда.

Ўтган вақт мобайнида 11 нафар мўйқалам соҳибаси ушбу мукофот билан тақдирланди. Уларнинг акасариятининг ижодий ишлари «Янги авлод» болалар ижодий фестивали, «Келажак овози» республика кўрик-танлови, «Тошкент кувончлари» халқаро болалар расмлари биеналеси, «Тасвирий санъат+5» ижодий ҳафталиги каби йирик лойиҳалар билан бирга, Хиндистон, Япония, Польша каби давлатларда ўтказилган халқаро кўргазмаларда совринли ўринларга лойиқ топилган.

Бибиноз Қайпова 1996 йилда Нукус шаҳрида туғилган. Болалар ижодийига оид бир қатор республика ва халқаро кўргазма, фестивал, кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этган, 2011 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти сазовор бўлган. Ҳозир Республика расмомлик коллежининг рангтасвир факультетида таҳсил олаётди.

Мамлакатимизда ҳар бир ёшнинг камолоти, истиқболи ҳақида гамхўрлик кўрсатиш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда, — дейди Бибиноз. — Бундай юксак ишонч, меҳр-эътибор зиммамизга улкан масъулият юклайди. Бизга чексиз илҳом бағишлаб, янгидан-янги марралар сари руҳлантирмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

(ЎзА)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқандда «JV MAN Auto-Uzbekistan» кўшма корхонасининг MAN катта юк автотранспорт воситалари ишлаб чиқариш заводининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. MAN автомобилларини ишлаб чиқарувчи янги завод мазкур лойиҳаниннг иккинчи босқичи бўлиб, у бир йилда 5 минг юк машинаси ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхонаниннг иккинчи йиғув линияси ишга тушгач, бу ерда 10 мингтагача автомобиль ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

● Конимех туманидаги Учтепа овулида замонавий хизмат кўрсатиш мажмуаси фойдаланишга топширилди. «Қизилқум» наслчилик ширкат ҳўжалиги ҳудудида бунёд этилган янги мажмуа сартарошхона, новвойхона, озиқ-овқат ва маиший буюмлар дўкони ҳамда олти юз ўринли маросимлар залини ўз ичига олади.

● Когон тумани бандлик маркази томонидан ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркасида 185 нафар Когон сановат ва транспорт касб-хунар коллежи битирувчиси қатнашди. Уларга Когон ҳамда Бухоро шаҳарларида жойлашган жами 71 корхона ва ташкилот 300 дан зиёд бўш иш ўрини таклиф этди. Тадбир давомида 158 нафар йигит-қизга ишга жойлаштириш учун йўлланмалар берилиб, уч томонлама шартномалар тузилди.

● Гулистон шаҳрида Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб аёллар спорт фестивалининг Сирдарё вилояти босқичи ўтказилди. «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида ташкил этилган ушбу тадбирда туман ва шаҳар босқичларидан сараланган 11 жамоа спортнинг бир неча турлари бўйича бахс олиб борди.

ЖАҲОНДА

● Шимолий Кореяда бир неча кундан буён тинмай ёғаётган ёмғир сув тошқинига сабаб бўлди. Маълумотларга қараганда, табиий офат оқибатида тўқсонга яқин киши ҳалок бўлган, бир ўз эллиқдан зиёд одам оғир жароҳатланган. Кучли тошқин аҳоли турар жой биноларини вайрон қилган. Қарийб олти миш мингдан ортиқ киши бошпанасиз қолган.

● Гонконгликлар дунёда энг узоқ умр кўрувчи одамлар, деб тан олинди. Шу кунгача узоқ умр кўрувчи одамлар рўйхатида биринчи бўлиб келаётган японияликларнинг ўртача умр кўриш даври 85,9 йилни ташкил қилмоқда. Гонконгда эса ўртача умр кўриш 86,7 йилга етган.

● АҚШнинг Аризона штатидаги Финикс шаҳрида кучли кум бўрони содир бўлди. Табиий офат оқибатида минглаб турар жой бинолари электр таъминотисиз қолган. Юз метр баландликка кўтарилган кумли бўрон соатига 55 километр тезликда ҳаракатланган. Кузатувчиларнинг айтишича, шаҳарнинг юз километр ҳудудини қоплаган кум маҳаллий аҳолига катта талафот етказган. Шаҳардаги аэропортлар вақтинча иш фаолиятини тўхтатган.

● Япониялик Хироси Хокэцу етмишни уриб қўйган бўлса-да, Лондондаги ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этмоқда. От спорти бўйича мусобақаларда ғолибликка даъвогарлардан бири сифатида эътироф этилаётган Хироси Хокэцу ҳали анча бақувват. Маълумотларга қараганда, бу спортчи Олимпия ўйинларида илк мартаба 1964 йилда, Токиода ўтказилган беллашувларда иштирок этган. Япониялик чавандоз ўшанда йигирма уч ёшда бўлган.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Маънавият тарғибот маркази Мирзо Улуғбек туман бўлими ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда

«Шаҳрисабз» маҳалласида «Маҳалла халқ виждони» мавзuida маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Бадий академияси расмомлар ижодий бирлашмаси ташаббуси билан Тошкент Фотосуратлар уйида Михаил

Левковичнинг «Мен ҳамиша суратга олишни хоҳлардим» мавзuida шахсий кўргазмаси очилди. Кўргазмага сураткашнинг 113 дан ортиқ ижодий иши қўйилди.

✓ **КЕЧА** Ҳамза туманида жойлашган Низомий номидаги ТДПУ қошидаги академик лицейда

Бектемир, Ҳамза, Миробод туманларида истиқомат қилаётган фуқаролар иштирокида аёллар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда хотин-қизлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.



ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ: РИВОЖЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Ватан ичра кичик бир ватан деб аталмиш маҳаллалар инсонларни ҳамжихатликка, аҳилликка, дўстлик ва биродарликка, яхши кўни-кўшничилик муносабатлари сингари эзгуликлар сари чорлайди.

МЕҲР-ОҚИБАТ МАСКАНИ

Мирзо Улуғбек туманида жойлашган маҳаллаларда Мустақиллигимизнинг кўтуғу йиғирма бир йиллик санасини муносиб кўтиб олиш мақсадида ободончилик, кўчаларга яшилтириш ишлари авжидда. Айниқса, тумандаги маҳаллалар орасида Нодирабегим маҳалласи ободлиги, файзу таровати, меҳр-оқибатли кишилари билан бошқаларга намуна бўлиб келмоқда. Ушбу маҳалла 1987 йилда ташкил топган бўлиб, ҳудуди 7,5 минг гектарни эгаллайди. Бугунги кунда бу ерда турли миллатта мансуб 2295 нафарга яқин аҳоли тотув ва ҳамжихатликда истиқомат қилмоқда.

Маҳалла ҳудудида овқатланиш шохобчалари, озиқ-овқат, хўжалик ва саноат моллари дўкони, дорихона, енгил машиналарни таъмирлайдиган устaxonа, диагностика ва саломатлик маркази, «Турон» даволаниш сийхатгоҳи, махсус карсоқов болалар мактаб-интернати, «DENTSPLY» стоматология муассасаси аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

— 2012 йил Президентимиз томонидан бежиз «Мустаҳкам оила йили» дея номланмаган, чунки бунинг негизда юртимизда оила институти ва ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила таянчи бўлган аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш, оила ва бутун халқимиз фаровонлигини янада ошириш каби мақсадлар муваффақланган, — дейди Нодирабегим маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хайрулла Зиямухамедов. — Бизнинг маҳалламиздаги хонадонлар сони 546 дан иборат. Маҳалламизда асосан зотиблар истиқомат қилади. Маҳалламизда Мустақиллигимизнинг 21 йиллигига қизгин тайёргарлик бошлаб юборилган. Бир ойлик иш ре-

жасини тузган ҳолда фаолият олиб бораёмиз. Режалаштирилган ишларнинг барчаси маҳалла тинчлиги, оилалар мустаҳкамлиги, фуқароларни иш билан таъминлаш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик, диний экстремизм ҳолатларининг олдини олиш каби масалаларга қаратилган.

Ҳозирда маҳалламиз ҳудудида ободонлаштириш, тозалаш, дарахтларни оқлаш, гуллар экиш ишлари олиб борилмоқда. Давлатимиз ва ҳомийлар томонидан кўрсатилган рағбатлар натижасида маҳалламизда кўплаб ишлар амалга оширилди. Жумладан, замонавий типдаги «Нодирабегим» маҳалла гузари қад ростлади. Бундан ташқари 200 кишига мўлжалланган тўйхонамиз ҳам мавжуд. Буларнинг бари маҳалламизда истиқомат қилаётган аҳолига қулайлик яратиш мақсадида амалга оширилган. Маҳалламизда 13 миллатга мансуб аҳоли яшайди, улар бир-бирлари билан жуда аҳил ва иноқдирлар. Маҳалла ёшлари ободонлаштириш, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиш ва турли тадбирларда фаол иштирок этадилар. Бундан ташқари маҳалламиз ёшларини бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун соғломлаштириш маркази очилган. Турли хил спорт, ҳунар ўргатадиган тўғарақлар улар хизматига.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла кичик бир маскан, нури гўша. Маҳаллада инсонлар бири-бирига суяниб, аҳил ва иноқ яшайдилар. Юрт тинчлиги ва ободлиги маҳалладан бошланади. Буни Нодирабегим маҳалласи мисолида ҳам айтиш мумкин.



Мустақиллик неъматларидан баҳра олиб вояга етаётган ўғил-қизларимиз баркамоллигини таъминлаш, келажақда уларнинг етук инсон бўлишларига эришишга бугунги кунда муҳим эътибор қаратилмоқда.

ЮТУҚЛАРГА БОЙ ЎҚУВ ДАРГОҲИ

Туманда жойлашган 101-сонли махсус мактаб-интернат 1968 йилдан фаолият кўрсатади. Ушбу масканда 220 га яқин имконияти чекланган болалар таълим олишади. Уларга икки тилда таълим берилди.

— Мактабимизда иқтидорли болалар жуда кўп. Расм чизишга, спортга қизиқадиган болаларимизни кўриб тўғриси, қувониб кетаман, — дейди 101-сонли махсус мактаб-интернат директори вазифасини бажарувчи Гулчехра Ахророва. — Эътиборга лойиқ томони, болаларимиз чет давлатларда бўлиб ўтадиган мини-футбол, стол теннис, қизлар ўртасида волейбол спорт мусобақаларида мунтазам қатнашиб келишмоқда. Ўқув даргоҳимизда рақс, тасвирий санъат, спорт, компьютер саводхонлиги, деворий нақш буйича тўғарақлар фаолият кўрсатади. Тазқвондо буйича тўғараққа қатнашган ўқувчимиз Даврон Хидиров паралимпиада чемпиони бўлган. Ҳозирги кунда самбо

буйича тўғарагимиз ишга тушди. Жорий йилнинг 7 июнида Осиё чемпионатида қатнашдик. Чемпионатда 4 нафар имконияти чекланган ўқувчиларимиз олтин медаль соҳибига айланмишди.

Президентимиз томонидан имконияти чекланган болаларга жуда катта эътибор ва рағбат берилди. Ўқувчиларимиз учун барча шароитлар яратилган. Замонавий сув ҳавзаси, футбол майдончаси, чўмилиш хоналари, ётоқхоналар улар хизматига. Ҳомийлар томонидан ҳар бир байрамда болаларга совға-саломлар улаштирилиб, уларга рағбат берилди.

Келажагимиз пойдевори бўлган ёшларнинг соғлом ва баркамол униб-ўсиши, уларнинг қалбига она Ватанга садоқат, истиқлол ғояларига ҳурмат руҳини синдириш учун яратилаётган шароитлар қалбимизни ифтихорга тўлдирди. Баркамол авлодни тарбиялаш йўлида қилинаётган эзгу ишлар бардавом бўлсин.

Саҳифа материалларини Зиёда РАСУЛОВА тайёрлаган
Козим Улмасов олган суратлар

Экология

ОБОДЛИК ВА ОЗОДАЛИК УЧУН ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Ўзбекистон Экологик ҳаракатида пойтахтимизнинг санитария-эпидемиологик ва экологик ҳолатини янада яхшилаш, чиқиндиларни йиғиш, ташиб кетиш ва қайта ишлаш борасидаги долзарб вазифаларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда депутатлар, вазирилик ва идоралар, корхоналар, ташкилотлар, нодавлат но-тихорат тузилмалар вакиллари ва журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Б.Алихонов, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Раҳмонов мамлакатимизда амалга оширилаётган илмий-ислохотлар табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш, ишлаб чиқаришда соф технологияларни қўллаш, чиқиндиларни камайитириш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштиришга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари сингари пойтахтимизда ҳам кенг қўламли ободонлаштириш ва тозалаш ишлари амалга ошириляпти. Тошкентни санитар-тозалаш тизимини такомиллаштириш буйича махсус лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиши натижасида шаҳарнинг барча ҳудудларида, маҳаллалар ва кўп қаватли уйлар олдида махсус кўрикландирилган чиқинди йиғиш шохобчалари ташкил этилди ва зарур мосламалар билан жиҳозланди. Жойларда маҳалла тузилмалари сай-ҳаракати билан кенг аҳолини жалб этган ҳолда мунтазам равишда ўтказилаётган тозалаш тадбирлари шаҳарни янада ободонлаштириш ва атроф-муҳитни муҳофазалашга хизмат қилаётди.

Тадбирда чиқиндиларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайитириш, пойтахтимизнинг ободонлаштиришда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат тузилмаларининг ролини кучайтириш, аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини юксалтириш борасида фикр алмашилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

РЕКЛАМАЛАР ҚОНУНГА МОСМИ?

Реклама ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Бугунги кунда у маҳсулот ёки хизмат ҳақидаги оддий хабар эмас, балки истеъмолчида муайян тасаввур уйғотадиган ўзига хос воситадир.

Мамлакатимизда 1998 йили «Реклама тўғрисида»-ги қонуннинг қабул қилиниши соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозир беш юзга яқин реклама агентлиги фаолият юритаётгани бунинг далилидир.

Мазкур қонун истеъмолчиларни чалғитадиган, ёлғон ва ноаниқ рекламалар тарқатилишининг олдини олишда муҳим омили бўлмоқда. Ушбу қонунга мувофиқ, рекламада маҳсулот ва хизматга доир маълумотлар аниқ акс этиши, истеъмолчига зарар етмаслиги лозим. Истеъмолчиларни чалғитадиган ёлғон ёки ноаниқ маълумотлар тарқатилиши қатъян тақиқланади. Лекин аҳоли эътиборига ҳавола этилаётган барча реклама материалларини ҳам ушбу таламларга мос, деб бўлмайд.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аҳборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида «Реклама тўғрисида»-ги қонуннинг Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятидаги ижроси ҳақидаги масала муҳокамасида шулар ҳақида сўз юритилди.

Мамлакатимизда реклама бозори бошқа соҳалар қатори жадал ривожланиб бораётгани таъкидланди. Рекламалар нафақат маҳсулотлар бозори ривожига, балки аҳоли маънавияти, айниқса, ёшлар тарбиясида ҳам муҳим ўрин тутди. Миллий қонунчилигимизда алкоғоль ва тамаки маҳсулотлари рекламаси тақиқлангани, нотўғри рекламаларнинг олдини олиш механизми жорий қилингани ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимиздаги реклама бозорининг умумий ҳажмида Тошкент шаҳрининг улуши 52 фоизга етади. Бу борада шаҳарда икки юздан ортиқ субъект фаолият юритади. Самарқанд вилоятида ҳам бу соҳа жадал ривожланмоқда. Эътиборлиси, вилоятда ташқи рекламалар асосан давлат тилида ёзилган ҳамда товар ва хизматлар ҳақида тарқатилаётган рекламанинг саксон фоизи маҳаллий тадбиркорлар маҳсулотларига оид. Йиғилишда «Реклама тўғрисида»-ги қонунга оид мамлакат миқёсидаги статистик маълумотлар чуқур таҳлил қилинди. Бу борада 2011 йил ва жорий йилнинг олти ойи давомида соҳада 774 ҳуқуқбузарлик ҳолати содир этилган. Жумладан, нотўғри реклама тарқатиш, ташқи реклама жойлаштириш тартиби ва талабига амал қилмаслик каби ҳолатлар учраб турибди.

Қонун бузилиш ҳолатларининг кўп қисми Тошкент шаҳрига тўғри келади. Реклама қонунчилигини бузганлиги учун жорий йилнинг ўтган даврида 29 нафар мансабдор шахсга нисбатан жарима қўлланилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, Монополиядан қариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, вазирилик ва идоралар вакиллари, мутахассислар, реклама агентликлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда реклама қонунчилигининг амалиётга татбиқ этилиши ва уни янада такомиллаштиришга оид масалалар атрофида таҳлил этилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

МУСТАҚИЛЛИК — ТАҚДИРИМДА

Машруҳ САЙФУТДИНОВ, Шукур Бурхонов маҳалла фуқаролар йиғини раиси, «Шухрат» медали соҳиби:

— Энг азиз, энг улуг байрамимиз — Мустақиллигимиз шодиёналарни яқинлашган сари қалбимиз гурурга тўлади. Бу шуқуҳли кунларда менинг ҳам байрагимга байрат қўшилмоқда.

Мустақиллик ўзбек халқининг кўп асрлардан буён орзу қилиб келган умидларини рўёбга чиқарди. Ўтган 21 йил ичида Ўзбе-

кистонимиз гуллаб-яшнади, халқимиз ҳаёти фаровонлашди, Ватанимиз янада обод ва файзли гўшага айланмоқда. Ҳар бир соҳада улкан ўзгаришлар юз бермоқда.

Дунё миқёсида республикамиз обрўси ва мавқеи ошириб бораётганидан беҳад қувонаман. Президентимиз томонидан 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши оилаларимизнинг тинч-тотувлиги, мамлакатимиз барқарорлиги, равнақи йўлида ҳамда халқимизнинг бахтли ҳаёт қуришида, айниқ-

са, ёшларимизнинг келажаги йўлидаги рағбатдан иборатдир, деб ўйлайман.

Меҳнат қилган — элда азиз, дейишади. Менинг ҳам камтарона меҳнатим давлатимиз томонидан оқсак қадрланиб, «Шухрат» медали соҳиби бўлганимдан беҳад бахтиёрман. Мустақиллигимиз мустаҳкамланиб, турмушимиз янада фаровон бўлсин.

Мустақиллигимиз абадий бўлсин. Ҳар биримиз ўз иш жойимизда юртимиз равнақи учун ҳисса қўшайлик.

ИЗЛАНИШЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Хорижий ҳамкорлар билан шерикликда амалга оширилаётган кўплаб янги лойиҳаларнинг самараси рақобатбардош ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан ички ва ташқи бозорни таъминлашда ўзининг ифодасини топмоқда.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «BF TEXTILE PRODUKTION» хорижий корхонаси 2006 йилда ўз фаолиятини бошлаган. Бугунги кунда корхонада замонавий технологиялар асосида 100 дан ортиқ трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Бозорни ўрганиш, харидор дид ва эҳтиёжини ҳисобга олиш асосида иш юритаётган мажбур корхонада 2000 дан ортиқ иш ўринлари ташкил қилинган.

Жамият замонавий машиналар билан жиҳозланган 5та цехни ўз ичига олади. Иш сифати ва самарадорлигини таъмин-

лаётган меҳнат аҳли учун барча қулайликлар яратилган. Трикотаж кийим-кечаклар ишлаб чиқариш корхонасининг эришаётган ютуқлари қувонарли даражада.

Корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар фақатгина ички бозорни таъминлаб қолмасдан, уларнинг экспорти ҳам амалга оширилади. Маҳсулотнинг 85-90 фоизи Россия, Украина ва МДҲ давлатларига экспорт қилинади.

Корхонада айна пайтда маҳсулотларнинг бозорбоплигини таъминлаш йўлидаги изланишлар давом этмоқда.

Айни пишиқчилик, тўкинлик, мўл-кўлчилик, файзу барака фасли эмасми, бугун бозорларимизга кирган одам шошиб қолади. Пештахталарни тўлдириб турган ўнлаб навдаги узуму олмаларнинг ифорида маст бўлади киши. Ҳар бири пиёладек келадиган шафтолиларни кўриб, оғизнинг суви қочади. Қовун-тарвузларни-ку айтмай кўя қолайлик...

Қарор ва ижро

БОЗОРЛАРИМИЗДАГИ БАРАКА

– Ҳар гал «Кўйлик дехқон бозори»га келганимда, арзончиликданми, серобчиликданми, билмадим, мўлжаллаганимдан анча кўп нарса сойтиб олганимни сезмай қоламан, – дейди харидор Жобир Зокиров. – Мана, ҳозир ҳам кўни-кўнжимни тўлдириб кетяпман. Газеталарда айрим давлатлардаги нотинчликлар, турли офатлар, дунёда юз бераётган озик-овқат тақчиллиги ҳақида кўп ёзилади. Шукурки, юртимиз тинч, осойишта. Шу боис турмушимиз фаровон, бозорларимиз тўкин-сочин.

Бозорда соғлом рақобатни ривожлантириш орқали аҳолига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини узлуксиз ва арзон нархларда етказиб бериш мақсадида «Элга хизмат» шўба корхонаси фаолияти йўлга қўйилган. Корхона шохобчалари тўлов терминаллари билан тўла таъминлангани боис савдо ҳажми тобора ошмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 26 апрелда қабул қилинган «Дехқон бо-

зорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тад-



Сайёра ШОЕВА, ЎЗА мухбири
Аскар Ёқубов (ЎЗА) олган сурат

бирлари тўғрисида»ги Қарори замонавий бозорлар барпо этиш, мавжудларининг фаолиятини такомиллаштириш, сотувчи ва харидорларга қулай шарт-шароит яратишда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

«Кўйлик дехқон бозори» очик акциядорлик жамиятида бозорни янада обод ва кўркам қилиш, истеъмолчиларга мақбул нарх-навони шакллантириб, тўлов терминаллари ва назорат-касса машиналари билан таъминлаш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Автомобиллар учун тўхташ жойи, ихтисослашган тургун савдо дўконлари, гўшт, балиқ ҳамда гул павильонлари замонавий услубда қайта жиҳозланди.

5,6 гектар майдондан иборат «Кўйлик дехқон бозори»да қарийб икки юзта тургун савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаси, икки мингдан кўпроқ бозор растаси аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Харидорларга етказиб берилётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини доимий назорат қилувчи замонавий лабораториялар фаолияти йўлга қўйилган. Бозорга киритилаётган барча маҳсулотлар қатъий лаборатория текширувидан ўтказилмоқда.

Бозорларимиз жаҳон талабларига жавоб берадиган, харидор ва сотувчилар учун зарур қулайликларга эга, сифатли хизмат кўрсатиш тармоғига айланиб бораётгани кувончли. Зеро, бозорлар юрт ободлиги, дастурхон тўкинлиги, халқ фаровонлиги кўзгусидир.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

Анжуманлар

ОИЛА ИНСТИТУТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

«Шодлик-Палас» меҳмонхонасида Ўзбекистон босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва Халқаро журналистларни қайта тайёрлаш маркази ҳамда ЮНИСЕФ кўмагида «Оила институтини мустаҳкамлашда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари салоҳиятини ошириш» лойиҳаси доирасида Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти журналистлари учун семинар-тренинг ташкил этилди.

Семинарнинг мақсади – босма ОАВ журналистлари ва муҳаррирларининг кенг жамоатчиликнинг «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижроси, уни амалга оширишда мамлакатимиздаги фуқаролик институтлари иштироки ҳақида профессионал даражада хабардор қилиш, унда жамиятнинг асосий бўғини – оиланинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, ривожланиши ва мустаҳкамланишига доир чора-тадбирларни тушунтириш бўйича кўникмаларини оширишдан иборатдир.

Оила институтини янада мустаҳкамлаш, бу борада амалга оширилаётган ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш асосий стратегик мақсад – ҳақиқий демократик давлат, халқ учун эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга эришишнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Соғлом оила – бу, авваломбор, соғлом жамият, кучли ва барқарор мамлакатдир.

– Бугунги ўтказилаётган семинаримизнинг асосий мақсади журналистлар билан учрашиш ҳамда болаларга тааллуқли бўлган масалаларнинг ОАВда ёритиш бўйича сўз юритишдир, – дейди БМТнинг Болалар жамғармаси, яъни ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг жамоатчилик билан алоқалар бўйича бўлим бошлиғи Савита Варде-Накви. –

Олдимишга қўйган асосий вазифамиз журналистларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишиб, биргаликда тажриба алмашиш ҳамда келгусида ана шу борадаги ишларни, ҳамкорликни янада кенгайтириш хусусида маслаҳатлашиб олишдир. Бундан ташқари ЮНИСЕФ журналистларнинг маҳоратини, билимларини янада оширишга қай тарихда ёрдам бериши, қўллаб-қувватлаши мумкинлигига доир масалаларни ҳам кўриб чиқишга ҳам эътибор қаратади. ЮНИСЕФнинг ОАВнинг ишларини янада яхшилаш бўйича лойиҳаси Халқаро журналистларни қайта тайёрлаш маркази, Ўзбекистон босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Республика Хотин-қизлар кўмитаси иштирокида амалга оширилмоқда. Яъни бу кўшма лойиҳадир. Бу лойиҳамиз журналистларнинг билим ва кўникмаларини янада оширишга қаратилган. Хусусан, оналар ва болалар ҳаётини, уларга тегишли бўлган масалаларни

ёритишдаги кўникмаларини оширишга хизмат қилади. Бу каби семинарлар журналистларга ахборот манбаларига қандай йўл топиш мумкин, қайси ахборот воситасидан фойдаланиш кераклиги тўғрисида маълумот беради. Бундан ташқари биз ЮНИСЕФнинг Ўзбекистонда олиб бораётган фаолияти, лойиҳалари тўғрисида томонидан қўллаб-қувватланиши, ривожланиши ва мустаҳкамланишига доир чора-тадбирларни тушунтириш бўйича кўникмаларини оширишдан иборатдир.

Шу боис, семинар-тренинг давомида журналистлар мамлакатимизда оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оила, айниқса, ёш оила манфаатларининг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини кучайтириш, жисмонан соғлом, маънан етук баркамол авлодни тарбиялашдаги ролини ошириш борасида амалга оширилаётган мақсадли чора-тадбирлар билан танишдилар.

Ҳаётга изчил татбиқ этилаётган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган барча ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришда муҳим асос бўлмоқда.

Дастурда белгиланган вазифалар ишлар билан кенг жамоатчиликни атрофлича таништириш, саъй-ҳаракатларнинг мазмун-моҳиятини тезкор, чуқур ва тахлил тарзда очиб бериш журналистлардан билим, маҳорат, ихтисослашувни талаб этади.

Семинарга таклиф этилган экспертларнинг маъруза-тақдироти, журналист-тренининг мазкур мавзуда материаллар тайёрлашнинг ўзига хос жиҳатлари, маълумот манбалари билан ишлаш, журналистларнинг ушбу мавзуда ишлашга доир одоб-ахлоқ меъёрлари бўйича маҳорат сабоқлари ўтказилди.

Мазкур лойиҳанинг 2012-2013 йилларда амалга оширилиши режалаштирилган. Лойиҳа доирасидаги тадбирлар пойтахтда ва республикамиз ҳудудларида ўтказилиши кўзда тутилган.

Зиёда РАСУЛОВА

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар камолотига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг илм олишлари, изланишлари ва истаган соҳани эгаллашлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, фан, маданият, адабиёт, санъат, спорт соҳасида ёшларимиз мамлакатимиз доврўғини жаҳонга таратишмоқда.

Куни кеча шахримиздаги «DEDEMAN» меҳмонхонасининг Silcroat залида ана шундай истеъдод соҳибларидан бири – ёш мўйқалам соҳиббаси Зухра Абдусатторованинг «Cherchez fa femme» яъни «Аёлни изланг» деб номланган расмлар кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада замонавий рассомчиликнинг янги жараёнини ўзида мужассамлаштирган гўзаллик, нафосат, муҳаббат, аёл қалбининг нозик қирраларини акс эттирган ўттиздан ортиқ ижод намуналари намойиш этилди. Шу билан биргаликда муаллиф кейинги йилларда яратган янги шеърли тўпламларини ҳам иштирокчилар эътиборига ҳавола қилди.

Зухра Абдусатторова ўз асарларини яратишда турли жанрлардан фойдаланади. Хусусан, «Баҳор», «Ярим тун», «Орзулар қаерга олиб боради» каби асарларида оддий мавзуларга эътибор қаратган ҳолда, уларни ўзига хос бўёқларда акс эттиради. Мўйқалам ёрдамида ранглар ҳамоханлигини яратар экан, рассом тасвирларнинг таъсирчанлигини таъминлаш, ёрқинлигини ошириш, маълум кайфиятни ва ҳиссиётни етказиб беришга эришади. Экспрессионизм қўйилган турли йўналишдаги асарлар ўзига хослиги билан муҳлисларни жалб қилади. Суратлардаги ёрқин ранглар мутаносиблиги, табиат ва унинг инъомлари рассомни мойиллик ва қадриятларини севувчи ижодкор сифатида гавдалантиради. Зухра Абдусатторованинг асарлари ни кўрган одам, ўзини гўё гўзаллик олами ичра сайр қилиб юргандай ҳис қилади. Бу эса, ўз навбатида, рассомнинг ўзига хослигини белгилайди.

Тўғри, расмчи-зиб, шеър ёзадиган ёшлар кам эмас. Санъатнинг ўзига хос калити ва нозик томонлари бор. З.Абдусатторованинг ишлари нафақат томошабинларни, балки мутахассисларни ҳам ўзига ром қилади.

– Бизни нафақат бу чиройли расмлар ўзига мафтун этди, – дейди кўргазмада иштирок этган санъатшунос Татьяна Николаевна. – Ҳар бир асарнинг нозик чизгилар ва чуқур маънога эгаллиги ҳар қандай одамнинг эътиборини тартади. Ранг-баранг расмларнинг тузилиши, рассом қалбидеги илиқ сўзлар ва ҳаяжонларнинг алоҳида тасвирлаб берилиши ҳар бир расмнинг моҳиятини янада

очган, унга чуқур маъно ва мазмун бахш этган.

Кўргазманинг яна бир қатнашчиси санъатшунос Насима Джураеванинг фикрича, ёш рассом назм гулшанини ҳам шеърли гулдасталар билан бойитмоқда. У ўз шеърларида ҳаяжонлари, ҳис-туйғулари, ички кечинмаларини ўзига хос тарзда тасвирлаб беришга эриша олган.

Серкирра ижодкор Зухра Абдусатторова ўз асарларида ниманидир аниқлаштиришга интилади. Унинг мазмун-моҳиятини очиб бериш билан бирга ўз саволларига ҳам ечим топади.

Ҳам шоира, ҳам рассом Зухра Абдусатторова ёш бўлишига қарама-масдан катта ижод йўлини босиб ўтди. У 1980 йил 28 декабрда Тошкент шаҳрида таваллуд топди. 2005 – 2009 йил-

ларда Республика рассомчилик коллежиде таҳсил олиб, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган рассом Ҳаким Мирзаҳамедов қўлида соҳа сирасорларини ўрганди. 2010 йилдан 2011 йилгача Италиянинг энг нуфузли мактабларидан бири бўлган Istituto Marangoni Milano да дизайн-интерьер йўналиши бўйича ўқишни давом эттирди. 2011 йилда унинг биринчи «Ўзини излаш...» деб номланган расмлар

**Кўргазмалар
СУРАТЛАРДА
ҲАЁТ НАФАСИ**



кўргазмаси Тошкент шаҳридаги Caravan One арт-ресторанида бўлиб ўтган.

Бу галли кўргазмага қўйилган асарлар истеъдодли қалам соҳибасининг нозик қирраларини янада чуқурроқ очиб берди. Уйлаймизки, бу тадбирдаги жонли мулоқотлар мўйқалам соҳибасининг бой маҳоратини оширишга хизмат қилади ва унинг ўзига хос янги асарларини яратиш, халқимизга тўхта этишга руҳлантиради.

Гўзал АҲМАДАЛИЕВА
СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа
Алексей Попов олган сурат

**Ҳамкорлик
МАРКАЗНИНГ
САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИ**

Республикамиз пойтахтида ташкил этилган француз маданият маркази ўзининг 10 йиллик юбилейини нишонлади. Машҳур француз сўз санъаткори таваллудининг 200 йиллиги муносабати билан бу даргоҳ адиб Виктор Гюго номи билан атала бошланди.

Марказ ўтган шу йиллар давомида эсда қоладиган кўпгина маданий тадбирларни амалга оширди. Унинг ноширлик фаолияти ҳам самарали кечди. Ўзбек ва француз халқлари ўртасида қарор топган дўстлик ришталари билан боғлиқ нашрлар босма юзини кўрди.

Франция ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий, илмий ва техникавий ҳамкорлик ҳақида ҳикоя қиладиган тўплам чоп этилди. «Ҳамкорликда – 10 йил» деб номланган ушбу нашрда халқ таълими, санъат каби соҳаларда қўлга киритилган янгиликларга ҳам кенг ўрин берилди.

Марказнинг маданият ва илмий-техникавий алоқалар бўлими яна қатор изланишларга қўл урди. «Ўзбекча-французча лугат»нинг босмага тайёрланиши нур устига аъло нур бўлди. Мазкур нуфузли лугатда 1500 та сўз ва ибора ўзининг қисий талқинини топди.

«Ўзбекча-французча лугат» ялтироқ қоғозда чоп этилиши ҳамда дизайн безакларининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

**МУШТАРАК СЎЗЛАР
ЛУФАТЛАРИ**

Тошкент Давлат шарқшунослик институти олимлари изланишлари билан кўплаб ўқув адабиётлари босмадан чиқди. Шарқшунослик фанига доир қўлланмалар ҳам чоп этилмоқда.

Маълумот учун шуни эслатиб ўтиш жоизки, олий ўқув юрти ўзининг илмий-оммабоп нашрлари билан ҳам соҳа ҳодимларига яқиндан таниш. Ҳар чоракда нашр қилинадиган «Шарқ машъали» («Маяк Востока») ҳамда «Шарқшунослик» журналлари ўзбек ва рус тилларида тақдим этилмоқда.

Олий ўқув юрти ўқитувчи-профессорларининг ҳар йили нашр қилган дастур, ўқув қўлланма, дарслик ва монографияларининг умумий ҳажми 350 босма табакдан ошиб кетади.

Кейинги йилларда чоп этилган «Араб тили дарслиги», «Фалсафа асослари» дарслиги ва бошқа нашрлар талаба-ёшлар учун кимматли адабиётлар бўлиб хизмат қилмоқда.

Лугатшуносликка оид нашрлар орасида «Урдуча-ўзбекча муштарак сўзлар лугати» ҳам бор. Шунингдек, «Арабча-ўзбекча-русча лугат», «Лугатий девонининг изоҳли лугати», «Зарбулмасал»нинг изоҳли лугати ҳам босма юзини кўрди.

**ҚИРҚ БЕШ ЙИЛЛИК
ФАОЛИЯТ**

Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети ўзининг 45 йиллигини нишонлаш учун катта тараддуд кўрмоқда. У дастлаб 1949 йили олий ўқув юртининг филология факультети ҳузурида журналистика бўлими сифатида ташкил топди. 1967-1968 ўқув йилидан эса журналистика факультетига айлантирилди.

Бу қутлуг даргоҳда таҳсил олиб камолотга етган талабалар орасидан талайгина етук журналистлар, газета, журнал, китоб нашриётлари, телерадио муҳарририятлари, ахборот агентликлари бош муҳаррирлари етишиб чиқди.

Университет таркибиде олий журналистика курси ҳам фаолият юритмоқда. Мазкур курснинг битирувчилари магистрлик дипломини қўлга оладилар.

Эндликда журналистика факультети қошида «Матбуот», «Телекўрсатув ва радиоэшитириш», «Оммавий алоқалар ва реклама», «Услубият ва таҳрир», «Интернет журналистикаси» каби ихтисослик кафедралари ишлаб турибди.

Факультетда таҳсил олиб, етук мутахассис бўлиб етишган журналистлар қаламига мансуб қатор китоблар чоп этилди. Шу ўринда таниқли журналист Исмоил Сулаймоновнинг «Мен журналистман» китобини айтиб ўтиш жоиз. Бу нашрда факультетдан етишиб чиққан ижодкорлар ҳақида сўз юритилган.

Ақбар АЛИЕВ

Яқинда Швейцарияда нашр қилинадиган «Harry Life» журналида журналист Сандрин Баглин-Брандель қаламига мансуб «Буюк Ипак йўли бўйлаб саёҳат» сарлавҳали мақола босилиб чиқди. Чиройли ва ранг-баранг суратлар билан безатилган мазкур мақола Ўзбекистоннинг бой ҳамда бетакрор маданий-тарихий мероси мавзусига бағишланган.

Муаллифнинг қайд этишича, Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон ҳозирги вақтда хориқлик сайёҳларнинг эътиборини тобора ўзига жалб қилмоқда.

«1991 йили ўзининг бой тарихий меросини намоён этган Ўзбекистонни дунё кашф қилди. Урта Осиёда жойлашган ушбу мамлакат маданиятнинг бешиги ҳисобланадики, айнан шу заминда дунёнинг энг кўҳна шаҳарлари қад ростлаган.

Бетакрор меъморий обидаларга эга Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз, ўзига хослиги ва асрий анъаналарини сақлаб қолган ўзбек халқи, бу юрда сайёҳлар ва меҳмонларга кўрсатиладиган меҳмондўстлик Ўзбекистонга келган сайёҳларда ҳайрат уйғотаётди. Замоनावий Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтган Буюк Ипак йўли ушбу минтақанинг бутун дунё томонидан кашф этилиши ва унинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишига хизмат қилди», деб ёзади муаллиф.

Ўз саёҳати тафсилотларини Самарқанд таассуротларидан бошлаб экан, муаллиф уни дунёнинг энг маҳобатли ва гўзал шаҳарларидан бири, ширин ва шакар мевалар ҳосили олиннадиган чиройли боғлар, бетакрор меъморий маж-

муалар ва бой тарихга эга замин сифатида тасвирлайди.

«Рим, Афина ва Бобилнинг тенгдоши бўлмиш бу шаҳар Ўзбекистоннинг марвариди ҳисобланади. Марко Поло ўзи-

бошқа чиройли қадамжолар ҳам маж-жуддир», деб ёзади муаллиф.

«Улардан бири дунёнинг энг кўҳна шаҳарларидан бири сифатида маълум ва машҳур бўлган Шахрисабздир, дея

«БУЮК ИПАК ЙЎЛИ БЎЙЛАБ САЁҲАТ»

нинг «Муъжизалар китоби»да Самарқандни Буюк Ипак йўлининг энг муҳим шаҳри сифатида эътироф этади.

Кўплаб уруш ва истилоларга қарамай, Самарқанд доимо вайронликлардан тикланиб, янада гўзаллашиб борган. XV асрда Самарқандни ўз салтанатининг пойтахти этиб танлаган буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур даврида шаҳар бениҳоя гуллаб-яшнади. У Самарқандни Урта Осиёнинг энг қудратли ва энг гўзал пойтахтига айлантирди.

Бугун Самарқанд ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Ушбу шаҳарни ўз кўзингиз билан кўриш учун Ўзбекистонга келсангиз арзийди. Аммо Ўзбекистонда бундан ташқари

ўз фикрини давом эттиради Сандрин Баглин-Брандель. Унда қад ростлаган маҳобатли тарихий ёдгорликлар шаҳарнинг ўрта асрларда юксак даражада таракқий топганидан шохидлик беради. Шахрисабз тарихан буюк Амир Темурнинг она шаҳри бўлиши баробарида Буюк Ипак йўлида ҳам муҳим ўрин тутган.

«Кўк Гумбаз масжиди, Гумбази Сейдон макбараси, Оқ Сарой сингари иншоотлар Шахрисабздаги ўрта аср меъморчилиги дурдоналаридир», дейди муаллиф.

Бухоро ҳақида фикр юритар экан, С.Баглин-Брандель улғувор тарихий ёдгорликларга бой бўлган мазкур ша-

ҳар дунёнинг энг гўзал қадамжоларидан бири ва ислом динининг муқаддас шаҳри эканлигини алоҳида таъкидлайди.

«ЮНЕСКО томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларга кўра, Бухоро Буюк Ипак йўли давридаги ҳаётни бошқа ҳар қандай шаҳардан кўра ёрқин акс эттиради. Бу ерда ўша давр руҳи ва анъаналари сақланиб қолгандир», деб ёзади швейцариялик журналист.

Бетакрор Хива таассуротларини қаламга олар экан, муаллиф бой тарихий-маданий меросга эгалиги боис бу шаҳар «Шарқ Флоренцияси» номини олганини маълум қилади. «Хива очик осмон остидаги музей-шаҳар бўлиб, унинг ёши 2500 йилдан ошади. Бу ерда инсонни ҳайратга соладиган меъморий мажмуалар қад кўтарган», дея қайд этади С.Баглин-Брандель.

Ўз саёҳатини Тошкентда тугатгани хусусида тўғталар экан, муаллиф Ўзбекистон пойтахти йирик замонавий мегаполис бўлгани ҳолда ўзининг бетакрор тарихий қиёфасини ҳам сақлаб қолганини эътироф этади.

«Ўзбекистоннинг яна бир улкан бойлиги унинг бағрида яшайдиган инсонлардир, деб ёзади журналист. Ўзбек халқи фахрланса арзийдиган ўзига хослиги ва бетакрор маданиятини сақлаб қолишга муяссар бўлган. Буюк аждодларнинг авлоди ва бой тарихнинг меросхўрлари бўлмиш ўзбекистонликлар ўз Ватанига бўлган муҳаббатини сайёҳлар билан баҳам кўришга тайёрдилар».

«Жаҳон» АА
Женева



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

Кўнгилинг торлиги – инсоннинг хорлиги.

Кимни биров алдайди, ким ўзини ўзи алдайди.

Жисм қийналган сари руҳ озод бўлади.

Хаёт ўзи шунақа: яқинлашдим деганда ажрашасан.

Одам табиатан ўзини уринтиргиси келмайди.

Йўл ҳамиша хавотирли.

Ҳамма ишга улгуришга уринган кинининг ишлари чала-чулпа бўлади.

Ҳаммага ўзининг иши ҳақ кўринади.

Билганинг ўзингники – элга намоийш қилиш шарт эмас.

Дилингни ўзингдан ўзга тушунмайди. Баъзида ўзинг ҳам англамайсан.

Бировники миннатли бўлади.

Аҳмоққа бир нарсани тушунтиргунча эсинг кетади.

Баъзи кишиларнинг дўстлигию душманлигини билиб бўлмайди.

Омади чопганга энг яқинлари ҳам ҳасад қилишади.

Эркинликнинг ҳам тўлови бор.

Кўнгилдан нималар ўтмайди – уларнинг барини тилга чиқариш шарт эмас.

Хаётда ҳамма нарсага тайёр туриш керак.

Ота-оналар болаларга, болалар ота-оналарга муносиб бўлиши керак.

Борни кўролмайди, йўққа беролмайди.

Кўчада кўрганинга қараб баҳо берма.

Бепарволик – энг кучли қурол.

Текин миннатсиз бўлмас.

Ақлли аҳмоқдан асрасин.

Яхши кўриш кучайиб муҳаббатга айланади, ёмон кўриш нафратга.

Ҳар бир соҳа кишиларининг ўз суҳбат мавзуси бўлади.

Бекорчилик – иллат.

Ҳеч нарса бекорчиликдай одамни бузмайди.

Ватани танламайдилар.

Самимиятни оддий одамлардан изланг.

Доимий омадсизлик кўнгилни чўктиради.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Спорт янгилликлари

ЗАФАР РОНАЛДУНИ ОРТДА ҚОЛДИРДИ

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси ташаббуси билан 1988 йилдан 2012 йил 20 июнига қадар бўлган вақт оралиғида турли миллий чемпионатларда энг кўп гол урган ва ҳозирда фаолиятини давом эттираётган футболчилар рўйхати эълон қилинди.

Кувонарли жиҳати шундаки, рўйхатга кўра мамлакатимиз чемпионатида кўп йиллардан бери тўп сураётган Жаъфар Ирисметов ва Зафар Холмуродов юқори ўринларни банд этиб туришибди.

Ушбу рўйхатни келиб чиқиши австриялик, лекин Сингапур терма жамоаси шарафини ҳимоя қилаётган Александр Дурич 344 та гол билан бошқараётган бўлса, собиқ «Бунёдкор» футболчи Ривалдо 278 та гол билан иккинчи ўринда бормоқда.

Айни вақтда «Навбахор» жамоаси шарафини ҳимоя қилаётган моҳир ҳужумчи Жаъфар Ирисметов 239 та гол билан рўйхатнинг 9-погонасини эгаллаб турибди. Шунингдек, «Олмалик» клуби ҳужумчиси Зафар Холмуродов 200 та гол билан 16-ўринни банд этган. Шуниси қизиқки, Мадриднинг «Реал» клуби вакили Криштиану Роналду шу кунгача рақиблари дарвозасини 199 марта аниқ нишонга ола билган ва Зафар Холмуродовни таъқиб этмоқда.

Маълумки, жорий йилнинг 3-17 ноябрь кунлари БААда футбол бўйича 19 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтади.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН ПАЛЛАДА

Ушбу нуфузли турнирда муваффақият қозонишни чин дилдан хоҳлаётган Аҳмадjon Мусоев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси айни кунларда ўқув-ийгин машғулотларига жиддий эътибор қаратмоқда. Кунни кеча Аҳмадjon Мусоев шогирдлари Тошкент вилоятининг Дукент шаҳарчасида қайтиб келишди. Мазкур шаҳарчада уштирилган ўқув-ийгин машғулотларида 24 нафар ёш футболчи иштирок этди.

Шуниси аҳамиятлики, энди Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Тошкентда уюштирилган ўқув-ийгин машғулотлари доирасида профессионал футбол лигаси жамоалари билан учта назорат-ўртоқлик учрашувида куч сынашди.

Ёшлар терма жамоамизнинг ҳал қилувчи сўнги тайёргарлик машғулотларининг октябрь ойида Саудия Арабистонида ташкиллаштирилиши режалаштирилмоқда.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Юртимизда болажонлар мириқиб ҳордиқ чиқарадиган масканлар жуда кўп. Шулардан бири Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касабга уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши тизимидаги «Пайвандлаш қурилиш» унитар корхонасига қарашли «Чотқол» болалар соғломлаштириш оромгоҳидир.



Кунни кеча бу ерда Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги муносабати билан «Чотқол» дўстларни чорлайди» номли болалар ижодий фестивали ўтказилди. Унда «Чотқол», «Фазоғир Гагарин», «Ёшлик», «Кўёшли» оромгоҳларида дам олаётган болажонлар томонидан ижро этилган гўзал куй-қўшиқ, мафтункор рақслар барчани хушнуд этди.

— Анъанага айланган бу фестивалга ҳар йили катта тайёргарлик кўрилади. Мақсадимиз ўғил-қизларимизнинг Ватанга, миллий кадриятларимизга муҳаббатини янада ошириб, кўплаб дўстлар орттиришига

Ёз — ўтмоқда соз

БОЛАЛАР ИЖОДИЙ ФЕСТИВАЛИ

кўмаклашишдир, — дейди оромгоҳ раҳбари Эркин Дехқонов. — Ҳозирда бу ерда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Тошкент вилоятларидан келган 550 нафар бола соғломлаштирилмоқда. Уч минг китоб фондига эга кутубхона уларнинг хизматига. Спорт тўғрисида мунтазам иш-лаб турибди.

Миллий либосларда тизилиб турган болажонларни суҳбатга торта-миз.

— Тўрт йилдан бери шу ерда дам оламан. Шароитлари яхши, — дейди Тошкент шаҳридан келган Бехруз Нуриллаев. — Турли тўғрақларга қатнашамиз. Спорт билан шуғулланамиз. Яқинда шашка бўйича ўтказилган мусобақада иккинчи ўринни олдим.

— Бу йил биринчи марта ушбу оромгоҳда дам олишимиз, — дея суҳбатга қўшилиди Хива шаҳридан келган Ражаббой Йўлдошев ва Куранбой Собиров. — Бизга жуда ёқди. Кўплаб дўстлар орттирдик.

Фестиваль сўнггида ташкилотчилар томонидан меҳмонлар ва болажонларга эсдалик совғалари топширилди.

Салим АБДУРАХМОНОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми? Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми? Унда шошилиб таваккал қилманг.

Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совиришингиз мумкин.

Кўчмас мулк бозорига 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сизга кўчмас мулк, хусусан ишлаб чиқаришга доир бинно-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олашда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимизнинг юқори малакали мутахассисларининг (+99899) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85 телефон рақамларига қўнғирок қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкнингизни оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланган ҳақиқий нархлар билан таққослашган ҳолда республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, кўламлиги ва арзонлиги билан Сизни, албатта, қувонтиради.

Унутманг! «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ кўчмас мулк бозорига энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.

Мурожаат қилинг ва барака топинг!
Лицензия: RR-0001.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Телефонлар: 233-28-95, 236-57-65. Факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4970 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари буича турар жоилардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент» почтамтига — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 15.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Башр унун масъул Д. Исроилов

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 5